

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН**

### **Ҳ У К М**

2019 йил сентябрь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Рахматов, А.Алиқуловнинг котиблигида, тарафлардан Денов туман прокурорининг ёрдамчиси М.Чориев, судланувчининг адвокати З.Қирғизбоевларнинг иштирокида, ХХХга оид 1-1905-1902/152-сонли жиноят ишини кўрди.

ХХХ, 1966 йил 20 март куни Денов туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Денов туман “Элобод” маҳалласида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 26.08.2019 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни,-

#### **А Н И Қ Л А Д И :**

Судланувчи ХХХ тақиқланган экин, яъни “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб етиштирган.

Жумладан, судланувчи ХХХнинг Денов туман “Элобод” маҳалласида жойлашган яшаш уйи 2019 йил 1 июль куни ИИБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, ҳовлисидаги гул экилган туваклардан бирида 1 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, парвариш қилиб келаётганлиги аниқланиб, тегишли тартибда ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Суд мажлисида сўралган судланувчи ХХХ, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқлаб, ўзининг кўрсатмасида, 2019 йил 1 июль куни ИИБ ходимлари уйига келиб уйини кўздан кечиришганида, гуллар орасидан 1 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини топишганлигини, ушбу нашани 2019 йил март ойида гул эккан вақти шу гуллари билан бирга чиққанлигини, шундан сўнг уни парвариш қилиб келганлигини, ўзининг умуртқа поғонаси синган бўлиб, базида оғриб туришлиги сабабли истеъмол қилмоқчи бўлганлигини, турмуш ўртоғи 2019 йил январь ойида киракашлик қилишлиги сабабли Тошкент шаҳрига кетганлигини, турмуш ўртоғи экмаганлигини, ўзи экканлигини, ушбу ўсимликни наша эканлигини билишлигини, чунки турмуш ўртоғи шу ўсимликни экиб судланиб чиққанлигини, турмуш ўртоғи бир кетишда 2-3 ойлаб Тошкентга кетишлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ НННННННН, дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқлаб, ўзининг кўрсатмасида, судланувчи турмуш ўртоғи эканлигини, уни наша экканлигини ИИБ ходимлари уйига келиб аниқлагач билганлигини, нашани у экмаганлигини, турмуш ўртоғи

экканлигини, гулларни ҳаммасига турмуш ўртоғи қарашлигини, бир туп наша чиққанлигини, Тошкентда афғон савдогарларини олиб юришлигини, улар материал сотиш билан шуғулланишларини, Тошкентга бир кетса 2-3 ойлаб кетишлигини, нашани ўзи экиб турмуш ўртоғига “сен бўйнинг олгин” деб айтмаганлигини, судланиб чиққанидан сўнг ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Хидиров Хумойдин Мардонович, дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқлаб, ўзининг кўрсатмасида, 1 июль куни унга ИИБ ходимлари телефон қилиб, Тулашев Олимни уйига боришликни айтишганлиги сабабли улар билан бирга борганлигини, уй ичкарасидан Гуласал чиқиб келганлигини, унга ходимлар ўзларини таништириб, уйда текшириш бошлашганлигини, ҳовлига киришда тувакда гуллар экилган ҳолда турганлигини, бир ходим шу гуллар орасидан бир тувакни кўтариб мана наша экилган тувак деб уларга кўрсатганлигини, Гуласал билан ИИБ ходимлари савол-жавоб қилганида нашани ўзи экканлигини тан олганлигини, ИИБ ходимлари 1 туп нашани хужжатлаштириб олишганлигини, О.Тулашев ҳақиқатдан ҳам Тошкент шаҳрига бориб келиб туришлигини, асосан у Тошкентда бўлишлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Юсупова Муштарийбону Ҳолмурод кизи, дастлабки терговдаги кўрсатмаларини тасдиқлаб, ўзининг кўрсатмасида, ИИБ ходимлари уйларига келиб бир туп наша топишганлигини, уни қайнонаси мен экканман деб айтганлигини, гулларга қайнонаси қарашлигини, қайнотаси О.Тулашев Тошкент шаҳрига 2019 йил январь ойида кетганлигини, ҳар-ҳар замонда у киши уйга келиб кетишини баён қилди.

Суд, судланувчининг айби, ўзининг айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, суд мажлисида сўралган гувоҳларнинг кўрсатмалари, дастлабки тергов жараёнида сўроқ қилиниб, кўрсатмалари суд тергови жараёнида муҳокама қилинган гувоҳларнинг кўрсатмалари, жиноят ишида мавжуд бўлган воқеа жойини кўздан кечириш ва далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 4-7), агроном хулосаси (и.в. 14), судга оид кимёвий экспертизанинг хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 17-20), юзлаштириш баённомаси (и.в. 65-66) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХнинг айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топди.

Суд, судланувчи ХХХга нисбатан жазо тайинлашда, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, муқаддам судланмаганлигини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар

томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 270-моддасининг 1-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни, жаримани давлат даромадига ундиришни, унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилиб, гаровга қўйилган пулни ўзига қайтаришни лозим топди.

Шу билан биргаликда суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган ҳамда ҳозирги кунда ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасида сақланаётган 1 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлигини ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни, 1 дона DVD дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилди,-

### **Ҳ У К М**

Судланувчи ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баравари миқдорида, яъни 4 054 600 (тўрт миллион эллик тўрт минг олти юз) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромадига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчига нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Сурхондарё вилоят ИИБ Молия бўлимининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 4 100 000 сўм гаров пули ХХХга қайтарилсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган ҳамда ҳозирги кунда ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармасида сақланаётган 1 туп “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

1 дона DVD диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчи эса ҳукм нухасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Денов туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, апелляция шикояти билдирмаган тақдирда, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация инстанциясига шикоят, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**имзо**

**А.Рахматов**

**Аслига тўғри:**